

ҚЎНҲИРОТ КОЛЛЕКТЕР-ЗОВУР ҲАВЗАСИДА РЕЛЬЕФНИ ИДЕАЛЛАШТИРИШ КАРТАСИНИНГ РОЛИ

Сапрабаева Гўзалой Равшонбек қизи

Урганч давлат университети 3-курс география

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229080>

Аннотация. Мақолада табиий-худудий мажмуаларнинг ҳосил бўлишида ва тараққиётида географик омиллар ичида рельефнинг роли. Қўнғирот коллектер-зовур ҳавзасида рельефни идеаллаштириши, дельта худудидида табиий-мелиоратив шароитнинг шаклланишида, динамикасида рельеф ва ер усти сув оқимининг роли.

Калим сўзлар: рельефни идеаллаштириши, рельефнинг роли, Қўнғирот коллектер-зовур ҳавзаси, Амударё кичик дельталари.

РОЛЬ ИДЕАЛИЗАЦИИ КАРТЫ РЕЛЬЕФА В КОЛЛЕКЦИОННО-ЗОВУРСКОЙ БАССЕЙНЕ

Аннотация. В статье роль рельефа среди географических факторов в формировании и развитии природно-территориальных комплексов. Идеализация рельефа Кунхиротского коллекторно-Зовурского бассейна, роль рельефа и стока поверхностных вод в формировании и динамике природно-мелиоративных условий в районе дельты.

Ключевые слова: идеализация рельефа, роль рельефа, Кунхиротский коллекторно-Зовурский бассейн, малые дельты Амударьи.

THE ROLE OF THE IDEALIZATION MAP OF THE RELIEF IN THE BELL COLLECTOR-ZOVUR BASIN

Abstract. In the article, the role of relief among geographical factors in the formation and development of natural-territorial complexes. Idealization of the relief in the Kunhirot collector-Zovur basin, the role of the relief and surface water flow in the formation and dynamics of the natural-ameliorative conditions in the delta area.

Keywords: idealization of relief, role of relief, Kungirots collector-Zovur basin, Amudarya small deltas.

КИРИШ

Табиий-худудий мажмуаларнинг ҳосил бўлишида ва тараққиётида географик омиллар ичида рельефнинг роли алоҳида ўрин тутди. Рельеф ландшафтнинг энг асосий компонентларидан биридир. Бизга маълумки, дельта шароитида табиий-мелиоратив жараёнларнинг шаклланишида ва динамикасида рельефнинг роли катта бўлиши билан бир қаторда у билан тупроқ қопламанинг структураси, тупроқнинг шўрланиш даражаси, грунт сувининг чуқурлиги ва минераллашув даражаси, ўсимликларнинг худудий тарқалиши ва худуднинг табиий нишаблиги чамбарчас боғлангандир. Ана шунинг учун ҳам биз тадиқотимизда рельефни, бир томондан ландшафтнинг компоненти сифатида қараб, у билан табиат компонентлари ўртасидаги боғлиқликка катта эътибор берсак, иккинчи томондан эса табиий-мелиоратив шароитнинг шаклланишида ва динамикасида географик омил сифатида унинг ролига эътибор қаратдик.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам суғориладиган ерларнинг

мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантиришга катта эътибор берилган [1].

Бизга маълумки, дельта худудида табиий-мелиоратив шароитнинг шаклланишида, динамикасида рельеф ва ер усти сув оқимининг роли жуда катта. Бу омилларнинг ролини янада чуқурроқ тадқиқ қилишда рельефни картографик идеаллаштиришнинг роли бениҳоя каттадир. Аммо геоморфологик карталарда фақатгина рельеф типларининг майдонлари кўрсатилган, яъни бу карталарда рельеф типларининг структураси кўрсатилмаганлиги учун уларда рельефни картографик идеаллаштириш умуман мумкин эмас [2].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғодаги суғориладиган массивларнинг асосий қисми Қўнғирот коллектер-зовур ҳавзасида жойлашган. Ана шунинг учун ҳам Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзаси мисолида суғориладиган массивларнинг ер юзаси ва ер усти сув оқимларининг структурасини ўрганиш учун унинг идеаллаштирилган образидан фойдаландик. Кичик дельталарнинг идеаллаштирилган образида баландлик элементларининг йўналиши асосан, жануби-шарқдан шимолга, шимоли-ғарбга йўналган. Бу эса, ўз навбатида, шу йўналишда ер усти сув оқимининг ҳаракатланишига асос яратади. Шу билан бир қаторда, ер усти сув оқимларининг бир қисми Амударё кичик дельтасининг ўзан бўйи баландликларидан кичик дельталараро пастликлар томон ҳаракат қилса, ер усти сув оқимларининг иккинчи қисми Қиятджарган кичик дельтасининг ўзан бўйи баландликларидан пастликлар томон, яъни шарқий, шимолий, шимоли-шарқий томон ҳаракат қилади. Шу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Улдарё кичик дельтасининг шарқий қисмидаги ер усти сув оқимлари Устюрт коллектор-зовур ҳавзаси томон йўналгандир. Бошқача қилиб айтганда, Қўнғирот коллектор-зовурининг ҳавзасида ер усти сув оқимларининг деярли барчаси коллектор ўзани ва шимол томон йўналгандир. Демак, “топологик дарахт” даги баландлик элементларининг идеаллаштирилган образи ер усти сув оқимларининг ёки тизим ҳосил қилувчи оқимларнинг структурасини ўрганиш учун илмий асос бўлиб ҳисобланади.

МУҲОКАМА

Рельефни картографик идеаллангиришнинг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, идеаллаштирилган объектларда табиий-мелиоратив шароитнинг тартибли ўзгаришини тадқиқ қилиш мумкин. Ер юзасининг ва тизим ҳосил қилувчи оқимларнинг структураси ландшафтларнинг геохимёвий таркибининг шаклланишида ва грунт сувларининг гидрохимёвий режимининг тузилишида алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам, энг авваламбор, кичик дельталарнинг идеаллаштирилган объектларини тасвирлаш ва ундан сўнг эса мана шу структураларнинг ландшафт компонентлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш лозим. Шу сабабдан картографик идеаллаштириш жараёнини абстракциянинг бир кўриниши эмас, балки ўзига хос мустақил ақлий жараён деб қараш мумкин.

ХУЛОСА

Рельефни картографик идеаллаштириш жараёнининг асосий аспектлари фазовий структура, фазовий қонуниятлар ва географик баҳолаш ҳисобланади, яъни идеаллаштирилган объектлардаги “тўғри чизиқлар”нинг йўналиши ва структураси бу ақлий жараёнда асосий роль ўйнайди. Шундай қилиб, ер юзасининг фазовий структурасини картографик идеаллаштириш шуни кўрсатадики, тизим ҳосил қилувчи

оқимларнинг йўналиши, ландшафт геокимёвий таркибининг динамикаси ва табиатнинг геометрик шакллари тартиб билан ўзгаради. Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасидаги суғориладиган ҳудудларнинг табиий-мелиоратив шароити Улдарё, Қиятджарган ва Равшан кичик дельталарининг “дарахтсимон” структураси билан боғланган бўлиб, коллектор-зовур ҳавзаси ҳосил қилган функционал-яхлитликда тартиблик асосида ўзгаради.

2. Кичик дельталарнинг идеаллаштирилган образлари “топологик дарахт”лар ер юзаси ва ер усти сув оқимларининг структурасини ўрганиш учун илмий асос бўлиб ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 фармони (07.02.2017).
2. Степанов И.Н. Теория пластике рельефа и новые тематические карты. М., “Наука” 2006. 230 с.